Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

# ОЗОДЛИКНИНГ БУЮК ҚУВОНЧЛАРИ

*Дил сўзи*

Яқинда ойнаи жаҳонда катта бир оркестрга дирижёрлик қилган ёш истеъдод Азиз Шоҳакимовнинг чиқишини томоша қилдим. У маҳобатли оркестрни шу қадар маҳорат ва илҳом билан бошқарардики, гўё мусиқа созларнинг бағридан эмас, ёш истеъдоднинг кўксидан отилиб чиқаётганга ўхшарди. Дирижёрлик таёқчасидан сеҳрли оҳанглар таралаётгандай эди. Катта шавқ ва ҳаяжон билан ўз истеъдодини намойиш этган бу иқтидорли дирижёрда келажакнинг буюк ишончларини кўргандай бўлдим. Аср бошида фавқулодда таланти билан дунёда шуҳрат қозонаётган Ўзбекистоннинг бу навниҳол умидида Озодлик ва Мустақилликнинг алангасини кўргандай бўлдим. Ҳар бир истеъдодда халқ қайта туғилади, миллат ёшаради, халқнинг умри янгиланади.

Мустақил республикамизда ёш истеъдодларни рағбатлантириш, халқ ичида юлдуздай бодраб ётган янги кучларни тезроқ ижтимоий ҳаётга, қайноқ фаолиятга чорлаш учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиши қизларимизга ишонч бағишлади. Авваллари китоби чиқиши ёки Ёзувчилар уюшмасига қабул этиш учун камида ўттиз ёшга кирсин, деб айтиларди. Бугун ўн тўрт, ўн беш ёшидаёқ шахс сифатида шаклланиб, иқтидорини тўла намоён қилган қизларимиз Давлат мукофотига сазовор бўлмоқдалар. Ойдин Абдуллаева, Гулжамол Асқарова, Муножот Абдуллаева, Зебунисо Холмуродова, Мастура Умарова, Фазу Шержанова, Муҳаббат Темирова каби Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари эл назарига тушиб самарали ижод қилмоқдалар. Бу ҳам озодликнинг бизга берган буюк қувончларидир.

Яқинда Ғафур Ғулом таваллуди муносабати билан Фарғонада Ғафур Ғулом боғи барпо этилди. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов бошчилигида ниҳоллар ўтказдик. Шеърият ва нафосатнинг гўзал чорбоғи бўлсин дедик.

Қизилтепада бундан ўн йил аввал яхши ният билан сўлим бир боғ «Ойдинбоғ» деб аталган эди. Очиқ жойда илк бор катта мушоира бўлиб, шоир ва ёзувчиларнинг Озодлик, Мустақилликни улуғлаган сўзлари янграган эди. Ўшанда шоирларимиздан бири лутф қилиб, бу боғ ойдинликка чиққан халқнинг, Мустақиллик кўчатларини ўтказаётган халқнинг боғи бўлсин, ойдин кунлардан нишона бўлсин деб айтган эди. «Ойдинбоғ»нинг саҳнида сайллар, байрамлар, мушоиралар давом этишини истайсан киши. Халқимиз ёзувчилари алоҳида эҳтиром кўрсатади. Уларнинг нафасида озодликнинг дараклари кўради. Улар қадам қўйган жойларда осойишталик, хушнудлик, умид ва муҳаббат макон қуради. Бундай жойларни халқ ҳамиша обод ва фаровон қилишни ўйлаб яшайди. Бу боғларда жаннат шамоллари эсади. Бундай жойлардан ўтганда юрагига қувват, кўнглига завқ, хаёлларига эса кенглик туйғуларини олади.

Самарқандга борганимда ҳазрат Мотуридийнинг обод бўлган, тикланган мақбарасини зиёрат қилдим. Сон-саноқсиз қайроқ тошлардаги муқаддас битикларнинг сеҳридан кўзларимга ёш келди. Ўн йил нари-берисида бу табаррук қадамжо хароба эди. Халқимиз эътиқод қилиб сиғинадиган зиёратгоҳларнинг мунаққаш иморатларга айланиши, аждодлар руҳининг осойиш топиши бизни янада қудратли, шиддатли қилгани ўзимизга аён. Бундай хайрли ишлар ўз куч-қудратимизга бизни ишонтиргани ҳам сир эмас. Айтишгагина осон бўлган бундай буюк тикланиш тадориклари, уларга сарфланган улкан маблағлар, кўзимиз нури, ақлимиз қуввати, ишчи кучлари – барчаси афсонавий кўламга эгадир. Буларнинг барчасида Мустақилликнинг элга берган шаҳду шиддатини кўраман. Тунлар бедор бўлиб бу улуғ лойиҳаларни ижод қилган, амалга ошириш йўлларини ўйлаган, миллатни тиклаш йўлида юрагининг бутун зарбу қувватини сарфлаган Юртбошимизнинг шижоатини англайман. Битта одамнинг қадрини тиклаш, номини оқлаш қанчалар савоб иш. Бутун бир халқнинг тақдирини зиммага олиш, қаддини, қадрини тиклаш эса ҳеч таърифлаб бўлмайдиган мўъжизадир.

**_Мустақиллик йилларида республикада халқ қадриятларини тиклаш, миллий анъаналаримиз ва ҳунармандчиликни ривожлантириш йўлида ҳукуматимиз томонидан бир қатор амалий ишлар қилинди. Президентимизнинг 1997 йилдаги «Халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчиликни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга замин яратди._**

# НОДИР ВА БЕТАКРОР

## истиқлол йилларида ҳунармандчилик янги босқичга кўтарилди

Ушбу фармонга биноан халқ амалий санъати «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази ва унинг қошида «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма мустақил ижодий ташкилот бўлиб, халқ амалий бадиий санъати анъаналари асосида фаолият кўрсатаётган маҳоратли мусаввирлар, халқ усталари ва ҳунармандларни кўнгилли тарзда ўз атрофига бирлаштирди. Ҳозирда республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида унинг 20 дан зиёд бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

«Ҳунарманд» уюшмаси ўз олдига Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандларининг меҳнат фаолиятларини йўналтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ усталари ва ҳунармандларнинг уй шароитида ишлаши учун шароит яратиб бериш, керакли хомашёлар, асбоб-ускуна ва кичик механизация воситалари билан таъминлаш, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга ва экспорт қилишга кўмак бериш, республика ичкарисида ва хорижда халқ ҳунармандлари маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, амалий санъат ва бадиий ҳунармандчиликнинг давомийлигини ва юқори ривожини таъминлаш мақсадида уларни ёшларга етказиш, халқ ва жаҳон мулки ҳисобланмиш ҳунармандчилик меросини сақлаш, ҳимоя қилиш, буюк халқ усталари ва ҳунармандлари номларини абадийлаштириш каби ўнлаб йўналишларни мақсад қилиб олган, - деди Республика «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Намоз Маҳкамов. - Уюшма ташкил этилганда унинг аъзолари сони 500 нафар кишини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 1500 кишидан ошди.

Кун сайин, йил сайин уста ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ортиб бормоқда. 1997 йилда бор-йўғи 4 миллион атрофида амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 1 миллиард 20 миллион сўмни ташкил этди. Маҳсулотлар ҳажми ўсиши билан уларнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, «Ҳунарманд» уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимларида маҳоратли халқ усталаридан иборат махсус «Бадиий Кенгаш» ташкил этилди. Улар ишлаб чиқарилаётган амалий санъат ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари сифати устидан доимий назоратни йўлга қўйган. Шунингдек, тегишли тавсия ҳамда йўл-йўриқлар тайёрланиб, уста ва ҳунармандларнинг ижодий меҳнат фаолиятлари мувофиқлаштирилиб борилмоқда.

Маҳсулотлар сифати харидорларнинг талабларига мос бўлиши, уларнинг дўконларда туриб қолмай, тез сотилишига омил бўлиб хизмат қилишини яхши тушунган уста ва ҳунармандлар сифатга, қулайлигига, устки кўриниши, безакларининг ўзига хослигига алоҳида эътибор бермоқдалар. Уюшма аъзолари шарқ миниатюрасининг қоғоз, мато, чарм, тери, шойи ҳамда ёғоч буюмлардаги ижроси, миллий кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, кандакорлик, мисгарлик, заргарлик, миллий каштачилик, читгарлик, сандиқсозлик, тоштарошлик, чинни буюмлар ишлаш, лок миниатюраси, ип ва шойи матолар тўқиш (беқасам, олача, адрас, атлас, қарға шойи) ва бошқа турлари билан шуғулланишмоқда.

«Ҳунарманд» уюшмаси халқ амалий санъати ҳамда бадиий ҳунармандчиликларининг йўқолиб кетган турларини топиш ва қайта тиклаш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда. Халқ усталари ҳамда санъатшунос мутахассислар томонидан анъанавий амалий санъат ва бадиий ҳунармандчиликнинг бир қанча йўқолиб кетган турлари тикланди. Буларга читгарчилик, қўлда ип газламалар - адрас, олача каби матолар, шойи газламалардан турли-туман атлас матолар, қарға шойи, зардўзликнинг занданача, бигиздўзи каби турлари, шунингдек, тоштарошлик, кулолчиликда йўқолиб кетган буюм турлари, Самарқанд қоғози ишлаш, шойи қоғоз, эталь миниатюраси, миллий заргарлик тақинчоқлари мисол бўла олади.

Охирги икки йил мобайнида Тошкент шаҳрида йўқолиб кетган мисгарчилик ва кандакорлик ҳунарлари ҳам қайта тикланди. Бундай масъулиятли вазифаларни ҳал этишда бир қатор халқ усталари - Ортиқ Файзуллаев, Зинатилла Алимбоев, Аброр Турсунов, Ниёзали Холматов, Ҳабибулло Солиҳ, Абдурашид Раҳимов, Фасиҳиддин Дадамуҳаммедов, Абдурашид Мадалиев, Акбар Раҳимов, Алишер Назиров, Алишер Нарзуллаев, Шорасул Шоаҳмедов каби халқ усталари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Уюшма усталари ҳар йили баҳор фаслида Республика Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловида фаол иштирок этмоқда. Шуниг билан бирга уста ва ҳунармандлар чет элларда ўтказиладиган умумжаҳон халқаро кўргазмаларда ҳам қатнашмоқдалар. Жумладан, 2000 йилда Германиянинг Ганновер шаҳрида бўлиб ўтган «ЭКСПО-2000» жаҳон кўргазмасида 30 дан ортиқ усталар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Бундан ташқари Япония, АҚШ, Белгия, Франция, Полша, Туркия, Миср, Эрон, Ҳиндистон, Малайзия, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларда жами 500 дан ортиқ усталар ўз санъат маҳсулотларини намойиш этишга муваффақ бўлдилар.

Усталар томонидан яратилган бетакрор асарлар ва уларнинг юксак маҳоратларига чет эллик харидорлар ва санъат ишқибозлари томонидан жуда юқори баҳо берилаётир.

«Ҳунарманд» уюшмаси сафи кундан-кунга янгидан-янги усталар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Улар ўзларининг юксак ижодий маҳоратлари, яратаётган юқори бадиийликка эга бўлган асарлари билан мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар.

**А.ҒАФФОРОВ.**

# ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРИХ

Темурийлар тарихи давлат музейида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган «Улуғимсан, Ватаним!» мавзуида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази, «Уйжойжамғармабанк» билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, халқимиз озодлик ва ҳурлик туфайли ўзлигини англаш, буюк ўтмишимизни асл ҳолича ўрганиш, фаровон келажак йўлида фидойилик кўрсатган аждодларимиз хотирасини ёд этиш, улар яратган бебаҳо меросни асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиш имконига эга бўлди.

Тарихимизда ёрқин из қолдирган ана шундай буюк сиймолардан бири соҳибқирон Амир Темурдир. Мустақиллик йилларида ўзбек халқ давлатчилик тарихини холисона татқиқ этиш ва халқимизга етказиш борасида кенг кўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилаяпти. Бу жараёнда буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

- Темурийлар даври тарихини ўрганишда ўша даврда ёзилиб бизгача етиб келган манбалар муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда,- деди Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими Омонулла Бўриев ЎзА мухбирига.-Археологик тадқиқотлар асосида топилган турли ашёлар ва маънавий меросимиз дурдоналари бўлган ёзма ёдгорликларда ҳам ўша давр тарихини бойитадиган, аниқликлар киритадиган маълумотлар талайгина.



Ёш истеъдодларга бериладиган «Ниҳол» мукофоти совриндорлари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу йил ҳам мазкур мукофот ўзининг муносиб эгаларига топширилди. «Ниҳол» том маънода истиқлолнинг эртанги умидларини улғайтиришга хизмат қилади. Бундан янги куч ва илҳом олаётган умидли санъаткорлар янада юксак парвозларни кўзлашмоқда.

**А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар**



*Касаба уюшма тадбири*

**_Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйини тантанали нишонлаш борасида Сурхондарё вилоятида ҳам муносиб тайёргарлик ишлари олиб борилди. Хусусан, истиқлол йилларида юртимизда эришилган муваффақиятлар, бунёдкорлик ишлари ва маънавий-маърифий ўзгаришларни кенг тарғиб қилиш ҳамда миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши изчил фаолият олиб бормоқда. Сурхонлик барча олиҳиммат, саховатли инсонлар ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишади._**

# МЕҲР-МУРУВВАТ УЛАШИБ

Ота-боболаримиз удумига амал қилиб яшаётган касаба уюшмалари кенгаши вакиллари ота-онасиз қолган кўнгли ўксик болажонлару ўзгалар кўмагига муҳтож ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват улашишмоқда. Хусусан, Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйи, Шўрчи туманидаги 67-ақли заифлар мактаб-интернати ҳамда Сариосиё туманидаги «Фарҳод» мурувват уйи тарбияланувчиларига қарийб ярим миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак ва ўқув қуроллари ҳадя этилди.

– Сафимиздаги 947 нафар касаба уюшма аъзоси истиқлол байрамига тайёргарлик сифатида ҳиссадорлик жамиятимиз атрофида тозалик ва ободончилик ишларини амалга оширди. Шунингдек, улар ўз розилиги билан бир кунлик иш ҳақларини уруш фахрийлари ва черноблчиларга байрам совғаси сифатида тақдим этилди. Бундан ташқари, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги битимга кўра илғор ишчилар ҳамда кўмакка муҳтож ходимларга 1,5 миллион сўмлик совға-салом ва моддий ёрдам маблағлари берилди, – дейди «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Э.Сарибоев.

Айниқса, Қумқўрғон туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси аъзолари байрамга катта кўтаринки кайфият билан тайёргарлик кўрди. Улар ногирон, кекса ва марҳум устозлар хонадонларида бўлиб, кўнгилларга қувонч бағишлашишди. Шунингдек, соғлиғини мустаҳкамлаш зарурати бўлганларга вилоят миқёсидаги «Сурхон», «Жайронхона» сиҳатгоҳларига йўлланмалар берилди. Бундан ташқари, улуғ айём ва янги ўқув йилига туҳфа сифатида 100 нафардан ортиқ педагог қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди. Кам даромадли 50 дан ошиқ ўқитувчиларнинг фарзандлари бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминланди.

Меҳр-мурувват улашишни, етимлар бошини силашни ўз бурчи деб билган қумқўрғонлик Зумрад Ҳайитова, деновлик Аҳмад Нарзуллаев, Зиёда Омонова, термизлик Одина бобо Назаров сингари тадбиркорлар саховатидан барча миннатдор. Улуғ байрам арафасида касаба уюшма маблағи ҳисобидан 1000 нафардан ортиқ кишига совға-салом улашилди.

– Эзгу ишларни амалга оширишда барча бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этишмоқда, – дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Абдикарим Аҳмедов. – Термиз шаҳридаги байрам шодиёналари ўтадиган «Амфитеатр» мажмуаси байрамга ҳозирлаб қўйилди.

Ҳа, юрт тўйида саховат учун қўлини очганлар асло кам бўлмайди. Уларнинг бир оғиз ширин сўзи қанчадан-қанча кўнгилларни чароғон этади.

**Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири**

# ҚИШЛОҚ МУЗЕЙИ

Наманган вилоятида кўриниши шаҳар билан беллашадиган қишлоқлар кўп. Шулардан бири Норин туманидаги Норинкапа қишлоғидир. Қолаверса, эл-юртга танилган, бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорлик кўрсатаётган кўплаб салоҳият соҳиблари шу ерда вояга етган.

Хусусан, буни «Норин» ширкат хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Хўжалик тараққиёти акс этган бинога кирган киши бу борадаги маълумотлардан бохабар бўлиб, хўжалик тараққиётига ҳисса қўшган кишилар суратлари билан яқиндан танишиши мумкин. Бир неча йил олдин маънавият ва маърифат жонкуяри Усмонжон Акбаров асос солган бино яқинда хўжалик томонидан қайта таъмирланди.

Ушбу мозийгоҳда мингдан зиёд экспонат бўлиб, унда қишлоқнинг узоқ ва яқин тарихи ўз аксини топган. Музей янги экспонатлар билан кун сайин бойиб бормоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири**

Газетанинг 2003 йил 26 августдаги 132-сонида «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан берилган эълондаги «Рейсер» русумли автотранспорт воситасининг сотилиш баҳоси 2.600000 сўм деб ўқилсин.

# САМО ЧАВАНДОЗЛАРИ

**_Ўтган хафтада Марҳамат туманидаги кўниш майдонлари республика парашют спорти усталари билан гавжум бўлди. Бу ерда «Олтин водий - 2003» мусобақалари ўтказилди._**

Мовий осмон гумбазида диёримизда ва вилоятимизнинг таниқли парашютчилари мураккаб акробатик машқларни ижро этдилар. Уларни само чавандозларига қиёслаш мумкин. «Дулдул» ўрнини босган улкан парашютларда муаллақ туриб, чиройли гимнастика ва акробатика машқлари бажариш, парашютни моҳирлик билан бошқариб, ерга соғ-омон қўниш учун чаққонлик, жасорат талаб қилинади.

Дастлабки кунги беллашувларда Фарғона вилоятининг «Ибрис», Тошкент вилоятининг «Чимган», Чирчиқ шаҳридаги ҳаво кучлари ҳамда андижонлик спортчиларнинг парвозлари томошабинларни қойил қолдирди. Фарғоналик Т.Саидов, тошкентлик В.Мухин, чирчиқлик Э.Худойбергановларнинг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди.

Андижонлик Ш.Мисиров, М.Абдазаловлар парашютларни эпчиллик билан бошқариб, уч минг метр баландликда мусобақа нормативларини меъёрига етказиб ижро этдилар. Ҳакамлар само чавандозларининг чиқишларини юқори баҳоладилар. Қувончлиси, спортнинг парашют турига хотин-қизларнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Айниқса, асакалик дугоналарнинг жасорати дилларни ҳаяжонга солди. Тиббиёт коллежининг талабалари Ёрқиной Бувазарова, Фарида Охунова, мактаб ўқувчиси Руқия Солиевалар пойтахтдаги аэродромларда ўтказилган илғариги мусобақаларда энг кўп очко тўплаб, ҳатто йигитларни ортда қолдиргандилар. Дугоналар бу сафар ҳам само фариштасига айландилар. Томошабинлар ҳамда ҳакамлар ҳайъати қизларнинг жаҳон мусобақаларига даъвогар эканликларига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Мана шундай кўргазмали синовлар воситасида парашют спортига эътибор қаратилаётганлигининг боиси бор. Само бағрида чарх уриб машқ қилаётган минг-минглаб бугунги парашют спорти ишқибозлари, Ватан мудофаасининг эртанги фидойилари, профессионал армиямизнинг муносиб ўринбосарларидир. Республика мудофаа вазири ўринбосари А.Кочетбиков, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси ўринбосари Ш.Қамбаровлар тадбирни бошлаш асносида шу ҳақда гапирдилар.

**Р.СОБИРЖОНОВ**

## ИЖТИМОИЙ ФАОЛ МАКТАБ ЛОЙИҲАСИ

Таълимда сифат кўрсаткичларига эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ва маърифий тадбирлар илғор педагогик тажрибаларнинг оммалашишига кенг йўл очиб бермоқда. Бунда илғор чет эл тажрибалари ҳам қўл келмоқда.

Чикаго халқаро таълим жамғармаси томонидан тайёрланган «Ижтимоий фаол мактаб» лойиҳаси ҳам бу борада муҳим оммавий аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда иш олиб бораётган кўплаб ўқитувчилар жамғарманинг сертификатларини қўлга киритишди. Ижтимоий фанларни ўқитишнинг янги илғор методлари бўйича амалга оширилаётган педагогик изланишлар эса ўқувчиларга компьютер саводхонлигини, мустақил фикрлаш кўникмаларини ошириш имконини бермоқда.

## ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Мамлакатимизда илғор мактаблар кўп. Уларда ортирилаётган бой педагогик тажрибалар, юзага келаётган янги педагогик технологияларни оммалаштириш йўлида қатор изланишлар олиб борилмоқда.

Республика таълим маркази яқинда бир гуруҳ моҳир ўқитувчилар иш тажрибасини атрофлича ўрганиб чиқди. Тошкент шаҳридаги 200-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Саиднаби Сайдалиев, 131-мактабдан биология муаллими Дилфуза Бердиеваларнинг жўшқин педагогик фаолиятлари юқори баҳоланди.

Бу каби илғор педагогик тажрибаларни республикамиз мактабларида қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

## СПОРТ ТРАВМАТОЛОГИЯСИ МАРКАЗИ

Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти спортчилар соғлигини тиклаш жараёнлари билан ҳам шуғулланмоқда. Илмий муассаса негизида спорт травматологияси марказининг ташкил топиши ҳам айни муддао бўлди.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу марказ ҳозир республикамиздаги қатор спорт муассасалари билан алоқа боғлаган. Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти, Тошкент врачлик-жисмоний тарбия диспансери билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Марказда спорт врачлари, тренерлари, жисмоний тарбия ўқитувчи ва методистлари малакасини ошириш курслари очилди. Бундай даволаш муолажалари Марказий Осиё республикаларидан келган шикастланган спортчилар учун ҳам ташкил этилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5 6